

Ўзбекистон Республикаси номидан

ХУКМ
Protected by PDF Anti-Copy Free


(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark) куни жиноят ишлари бўйича

суди ўз биносида, очик суд мажлисида

Раислик қилувчи:

суд мажлиси баённомаси оритувчи, томонлардан

прокурори ёрдамовчи, судланувчи ва
унинг адвокати шунинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси
ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми билан айб эълон қилинган



га

нисбатан -сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, тарафлар
фикрини тинглаб, жиноят иши хужжатларини таҳлил қилиб,
қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ўзбекистон Республикасининг
2003 йил 11 декабрдаги “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни
ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги
“Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги
чора-тадбирлар тўғрисида”ги 5177-сонли Фармони талабларига зид
равишда 2021 йил 29 сентябрь куни соат 16:00да марказий
деҳқон бозори ҳудудида қонунга хилоф равишда фуқаро
га ҳар бир АҚШ долларини
10.700 сўмдан ҳисоблаб, анча миқдордаги 2800 АҚШ долларини қонунга
хилоф равишда жами 29.960.000 сўмга ўтказган вақтда тадбир
иштирокчилари томонидан ашёвий далиллар билан жиноят устида
ушланган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи унга
нисбатан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб
қуйидагиларни, яъни 2021 йилнинг август ойидан
ҳудудида жойлашган Чирчиқ деҳқон бозорида ноқонуний тартибда
валюта қимматликларини олди-сотдиси билан шуғулланиб келганини,
2021 йил 29 сентябрь куни тахминан соат 15:00ларда телефон рақамига

олдиндан таниш бўлмаган йигит кўнғироқ қилиб, унга АҚШ доллари кераклигини ва ҳозирги кундаги долларнинг бозор нархи қанчалигини сўраганини, шунда харидорга ҳар бир АҚШ доллари 10.700 сўмдан эканини, агар шунга рози бўлса валюта қимматликларини топиб бериши мумкинлигини айтиб, қанча миқдорда АҚШ доллари кераклигини сўрганини, шунда харидор 2800 АҚШ доллари атрофида валюта керак эканини, шундан сўнг унга 2800 АҚШ долларини 10.700 сўмдан ҳисоблаб 2800 АҚШ доллари 29.960.000 сўм бўлишини айтганини, харидор тахминан ярим соатлар атрофида айtilган жойга етиб боришини билдирганини ва унга Чирчиқ деҳқон бозорининг кириш дарвозаси ёнига келиши мумкинлигини айтганини, орадан тахминан ярим соат ўтганидан кейин ўша харидор кўнғироқ қилиб айtilган жойга пулларни олиб келганини билдирганини, у харидор билан олдинган келишилган валюта қимматликларини сотиш учун у турган [REDACTED] деҳқон бозорининг кириш дарвозаси ёнига борганини ва унга 2800 АҚШ долларини 10700 сўмдан ҳисоблаб жами 29.960.000 сўм бўлишини билдирганини, шундан сўнг олдиндан келишилган 2800 АҚШ долларини ўша харидорга санаб берганини, у эса ўзи билан олиб келган пулдан 29.960.000 сўм пул маблағларини санаб берганини, ўрталарида тўлиқ ҳисоб-китоб амалга оширилгач унга нотаниш бўлган 3-4 нафар шахс келиб, ўзларининг хизмат гувоҳномаларини кўрсатишиб, Департаментнинг Чирчиқ шаҳар бўлими ходимлари деб таништиришиб, холислар иштирокида тезкор тадбир ўтказилаётганини тушунтиришганини, ходимлар ҳолатга ойдинлик киритиш учун қандай олди-берди ишларини амалга оширгани ҳақида сўрашганини, шунда тезкор ходимларга харидорга 2800 АҚШ долларини ҳар бир АҚШ долларини 10.700 сўмдан ҳисоблаб, ўзига тегишли бўлган жами 2800 АҚШ долларини жами 29.960.000 сўм пул маблағлари эвазига сотганини айтганини, шундан сўнг ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида Департаментнинг Чирчиқ шаҳар бўлимига таклиф қилишганини, ёнида икки нафар холислар иштирокида тез тиббий ёрдам чақиртирилиб, соғлигини текширтиришганини ва тез тиббий ёрдам ходимлари ушбу ҳақида маълумотнома расмийлаштириб беришганини, ҳолат юзасидан тушунтириш хати олишиб, баённома расмийлаштиришиб, тадбир иштирокчиларига баланд овозда ўқиб эшиттиришиб ҳеч кимдан қўшимча ва эътирозлар тушмагач расмийлаштирилган хужжатлар имзоланганини, тезкор тадбир натижасида олиб қўйилган 2800 АҚШ доллари ўзига тегишли бўлганини, ҳозирда қилмишидан чин кунгилдан пушаймонлигини билдириб, унга нисбатан енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ [REDACTED] судга қуйидагиларни, яъни 2021 йил 29 сентябрь куни соат тахминан 11:30ларда [REDACTED] марказий деҳқон бозоридан қайтаётганда таниши судланувчи [REDACTED] ни учратиб қолиб, у билан суҳбатлашиб турганида тахминан соат 15:50ларда Хурриятнинг телефонига кўнғироқ бўлганини ва у бир киши билан телефонда гаплашганини, шундан кейин

дугонаси Хуррият унга бир фуқародан қарзини олиши кераклигини айтиб, унга шу пулни бирга бериб олишни сўраганини. Унинг таклифига рози бўлиб дугонаси Хуррият билан [REDACTED] марказий деҳқон бозорининг [REDACTED] қисмидан [REDACTED] (Upgrade to Pro Version to Remove this Watermark) бўлган жойга боришганда, у ерда унга нотаниш 25-27 ёшларда бўлган бир йигит турганини, дугонаси Хуррият билан унинг ёнига боришганини, йигит дугонаси Хурриятга 50.000 [REDACTED] PDF 000 сўмлик купьюралардан иборат бўлган пулларни тақдим қилиш ва дугонаси барча тақдим қилган пулларни санаб бўлишгач судланувчи [REDACTED] унга пулларни олиб муқаддам суҳбатлашиб турган жойларига бориб туришни сўрагани сабабли, у пулларни олиб кетаётганда йўлда унинг ёнига унга нотаниш бўлган 3-4 нафар шахс келиб, ўзларини Департаментнинг Чирчиқ шаҳар бўлими ходимлари деб таништиришиб, ўзларига тегишли бўлган хизмат гувоҳномаларини очик ҳолда кўрсатишиб тезкор тадбир бўлаётгани тўғрисида айтишганини ва нима ҳолат бўлгани тўғрисида сўрашганини, ходимларга ўзини таништириб дугонаси Хуррият бир фуқародан қарзга берган пулини олиб унга бериб юборганини айтганини, шундан сўнг ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида Департаментнинг [REDACTED] бўлими ходимлари уларни Департамент биносига таклиф қилишганини, Департаментнинг [REDACTED] биносига боришиб, бўлиб ўтган юқоридаги ҳолат юзасидан тушунтириш берганини, ходимлар томонидан баённома расмийлаштирилиб, тадбир иштирокчиларига баланд овозда ўқиб эшиттирилганини, ҳеч кимдан қўшимча ва эътирозлар тушмагач тузилган хужжатларга имзо қўйдирганини, дугонаси Хуррият ноқонуний валюта олди-сотдиси билан шуғулланишидан хабари бўлмаганини, бу тўғрисида 2021 йил 29 сентябрь куни у валюта олди-бердиси билан ушланган вақтда билганини, дугонаси унга бировдан қарзга берган пул маблағларини олиши кераклигини айтгани учун у билан бирга борганини, агарда валюта олди-бердиси билан шуғулланишини билганида унинг ёнида бормаган бўлишини, 2021 йил 29 сентябрда 2800 АҚШ долларини ноқонуний сотган вақтда ушланган Хуррият валюта қимматликларини кимдан олгани ва у кимга тегишли эканидан хабари бўлмаганини билдириб кўрсатув берди.

Суд мажлисига келмаган гувоҳлар [REDACTED], [REDACTED], [REDACTED]нинг тергов даврида берган кўрсатувлари тарафларнинг розилигига кўра ўқиб эшиттирилганда судланувчи [REDACTED] унинг ушбу кўрсатувларини тўлиқ тасдиқлашини билдирди.

Суд судланувчи [REDACTED]нинг юқорида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби унинг суд мажлисида эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳларнинг кўрсатуви, шунингдек ариза (и.в.3), ИИБ ходимининг билдиргиси (и.в.4), воқеа ҳолатини расмийлаштириш ва далилий ашёларни олиш ҳақидаги баённома (и.в.8-11), тушинтириш хатлари (и.в.12-25,27-29), стенограмма (и.в.31-32),

нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақида қарор (и.в.43) ҳамда бошқа жиноят ишида тўплаган ҳамда суд мажлисида аниқланган бошқа объектив далиллар мажмуи билан тулиқ уз тасдиғини топган деб ҳисоблайди. (Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Суд судланувчи [REDACTED] жиноий ҳаракати юридик квалификациясини муҳокама олиб, тергов органи томонидан унинг қонунга хилоф равишда а [REDACTED] қдордаги валюта қимматликларини ўтказишда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Суд Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 54-моддаси талабига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли Қарорида баён этилган тушинтиришларга риоя қилган ҳолда судланувчи [REDACTED] га жазо тури ва миқдорини белгилашда унинг шахсини, яъни аёл киши эканини, оилавий шароитини, яъни қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кунгилдан пушаймонлигини, мукаддам судланмаганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида инобатга олиб, шунингдек иш бўйича ЖКнинг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътиборга олиб, бундан ташқари содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиб, унга нисбатан у айбли деб топилган модда санкциясида кўрсатилган озодликни чеклаш жазосини тайинлаш лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 13-бандида “Гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига қаршли бўлган жиноят нарсалари деб топилган валюта қимматликларининг давлат эғалигига ўтказилиши масаласи Жиноят-процессуал кодексининг 211, 284, 285-моддалари тартибида ҳал қилиниши лозим” деб кўрсатилганини инобатга олиб суд ашёвий далил тарикасида олиниб, вақтинча сақлаш учун Департаментнинг Тошкент вилояти бошқармасининг АТИБ “Ипотека банк” Яккасарой филиали ИНН 203737214, МФО 01017, 20203840404060217001 ҳисоб-рақамига топширилган 2800 АҚШ долларини ҳукм қонуний кучга киргач давлат фойдасига ўтказиш лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473 моддаларига асосан суд ҳукм қилди

Ҳ У К М:

[REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 177-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда

айбдор деб топилсин ва унга нисбатан шу моддага асосан 3 (уч) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

_____ сутканинг соат 21:00дан 06:00га бўлган вақтда яшаш _____, П.Юсупов кўчаси 21-уй, 16-хонадондан чиқиши чеклансин.

_____ зиммасига маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилиги _____ яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда яшаш ҳудудидан ташқарига чиқиш каби қўшимча чеклаш ўрнатилсин.

Жазони ижро этиш Ички ишлар органлари _____ пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати маҳкум Ички ишлар органлари _____ пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

_____ га озодликни чеклаш жазосини ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушинтирилсин.

Унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ашёвий далил тариқасида олиниб, вақтинча сақлаш учун Департаментнинг Тошкент вилояти бошқармасининг АТИБ “Ипотека банк” Яккасарой филиали ИНН 203737214, МФО 01017, 20203840404060217001 ҳисоб-рақамига топширилган 2800 (икки минг саккиз юз) АҚШ доллари ҳукм қонуний кучга киргач давлат фойдасига ўтказилсин.

Ашёвий далил тариқасида иш ҳужжатларига қўшилган икки дона CD-R ва DVD+R дисклар ҳукм қонуний кучга киргач жинойт иши ҳужжатларига қўшиб сақланган.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан сўнг йигирма сутка муддат ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида, жинойт ишлари бўйича _____ суди орқали _____ суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига апелляция шикоят, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Аслига тўғри

1-2,5
3-4

Protected by PDF Anti-Copy Free
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

